



THE SOURCES OF THE WORK “FATAWA QAZIKHAN”

Odiljon Koriyev

Head of the Department of Islamic Studies

Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Doctor of Historical Sciences

E-mail: o.ahmad@mail.ru

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Fakhruddin Qazikhan, Fatawa Qazikhan, Hanafi fiqh, Fergana school of jurisprudence, mujtahid, fatwa, scholars of Transoxiana, Islamic law, sources of fiqh, scholarly heritage.

Received: 04.03.26

Accepted: 05.03.26

Published: 06.03.26

Abstract: This article analyzes the life, scholarly activity, and role of Fakhruddin Qazikhan, a prominent representative of the Fergana school of Islamic jurisprudence, in the development of Hanafi fiqh. Information is provided about the scholar's teachers and students, as well as about his scholarly legacy and works. In particular, the content, structural composition, and jurisprudential significance of the work “Fatawa Qazikhan”, which is considered one of the important sources in the Hanafi madhhab, are examined. The article also analyzes the scholarly approaches used in the work, such as relying on Qur'anic verses and hadiths in resolving legal issues, referring to the opinions of the Companions and scholars of the madhhab, and comparatively studying the views of jurists from Iraq and Transoxiana. In addition, Fakhruddin Qazikhan's theoretical views on ijtiḥad and the issuing of fatwas are also discussed.

“ФАТОВО ҚОЗИХОН” АСАРИНИНГ МАНБАЛАРИ

Одилжон Қориев

ЎЗРФА Шарқишунослик институтиисломишунослик бўлими мудури

тарих фанлари доктори

E-mail: o.ahmad@mail.ru

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Фахруддин Қозихон, Фатово Қозихон, ханафий фикҳи, Фарғона

Аннотация: Мазкур мақолада Фарғона фикҳ мактабининг машхур намояндаси

фикх мактаби, мужтахид, фатво, Мовароуннахр уламолари, ислом ҳуқуқи, фикҳий манбалар, уламолар мероси.

Фахруддин Қозихоннинг ҳаёти, илмий фаолияти ва ханафий фикҳ илми ривожигаги ўрни таҳлил қилинади. Алломанинг устозлари ва шогирдлари, шунингдек унинг илмий мероси ҳисобланган асарлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Айниқса, ханафий мазҳабида муҳим манбалардан бири ҳисобланган “Фатово Қозихон” асарининг мазмуни, таркибий тузилиши ва фикҳий аҳамияти ёритилади. Асарда фикҳий масалаларни ҳал қилишда оят ва ҳадисларга таяниш, саҳобалар ва мазҳаб уламоларининг фикрларидан фойдаланиш ҳамда Ироқ ва Мовароуннахр фақиҳларининг қарашларини қиёсий ўрганиш каби илмий ёндашувлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, Фахруддин Қозихоннинг мужтахидлик ва фатво бериш масалаларига доир назарий қарашлари ҳам ёритилган.

ИСТОЧНИКИ ПРОИЗВЕДЕНИЯ “ФАТОВО КОЗИХОН”

Одилжон Кориев

Заведующий отделом исламоведения

Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан

доктор исторических наук.

E-mail: o.ahmad@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Фахруддин Казихан, Фатава Казихан, ханафитский фикх, ферганская школа фикха, муджахид, фетва, ученые Мавераннахра, исламское право, источники фикха, наследие ученых.

Аннотация: В данной статье анализируются жизнь, научная деятельность и роль Фахруддина Казихана — известного представителя ферганской школы фикха — в развитии ханафитского права. Приводятся сведения об учителях и учениках ученого, а также о его научном наследии и трудах. Особое внимание уделяется содержанию, структурному построению и правовому значению труда «Фатава Казихан», который считается одним из важных источников в ханафитском мазхабе. В статье также рассматриваются научные подходы, использованные в этом произведении: опора на аяты Корана и хадисы при решении правовых вопросов, использование мнений сподвижников и ученых мазхаба, а также сравнительное изучение взглядов факихов Ирака и

Мавераннахра. Кроме того, освещаются теоретические взгляды Фахрудина Казихана на вопросы иджтихада и вынесения фетв.

Ханафий фикҳида алоҳида эътироф этиладиган муътабар асарлардан бири “Фатово Қозихон” асари Фарғона фикҳ мактабининг машхур вакилларида бири, мазҳаб мужтаҳиди Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд Фахрудин Қозихон ал-Ўзгандий ал-Фарғоний қаламига мансуб. У Фарғона водийсининг Ўзган вилоятида таваллуд топган. Туғилган санаси ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Бироқ манбаларда у зиёли оилада туғилганлиги алоҳида қайд этилади. Дастлабки таълимни ўз оиласида олиб, сўнг замонасининг етук олимларидан илм олган.

Устозлари қаторида Заҳирудин Ҳасан ибн Али ибн Абдулазиз ал-Марғиноний, Бурҳонуддин ал-Кабир Абдулазиз ибн Умар ибн Моза, Абу Исҳоқ Низомуддин Иброҳим ибн Али ал-Марғиноний, Маҳмуд ибн Абдулазиз ал-Ўзгандийларнинг номлари зикр қилинади. Шамсулаимма ас-Срахсий, Шамсулаимма ал-Ҳалвой, қози, имом Абу Али ан-Насафий, Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл, Устоз Абдуллоҳ ас-Субазмуний, Абу Абдуллоҳ Абу Ҳафс ас-Сағир, Абу Ҳафс ал-Кабирлар билвосита устозлар ҳисобланадилар.

Аллома ўз навбатида қатор шогирдларга устозлик қилган. Жамолуддин Абдулҳамид Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Ҳасирий, Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдусайид ал-Бухорий, Шамсулаимма Муҳаммад ибн Абдусаттор ал-Кардарий, Нажмулаимма ал-Ҳакимий, Муҳаммад ибн Асъад ал-Фарғоний ва Нажмуддин Юсуф ибн Аҳмад ал-Хосий, Тоҳир ибн Муҳаммад ас-Садр ал-Кабир ва Бурҳон ал-Ислом аз-Зарнужийларнинг номларини келтириш мумкин .

Фахрудин Қозихон илмий меросини “ал-Фатава ал-машхура ал-мутадавила” (“Доимо истифода этиладиган машхур фатволар”), “ал-Вақи‘ат” (“Воқеликлар”), “Амолий” (“Имлолар”), “Шарҳ аз-Зиядат” (“Қўшимчаларга шарҳ”), “Шарҳ ал-Жомий ас-сағир” (“Кичик тўпламга шарҳ”), “Шарҳ адаб ал-қада лил-Хассоф” (“Хассофнинг қозилик одоби асарига шарҳ”) ва “ал-Маҳозир” каби асарлар ташкил қилади. Бундан ташқари “Шарҳ ал-Жомий ал-кабир” (“Катта тўпламга шарҳ”) номли асари ҳам бўлганлиги ҳақидаги қайдлар мавжуд .

Фахрудин Қозихон фикҳ илмида эришган билимни кейинги давр олимлари юқори баҳолаганлар. Жумладан Қураший фақиҳнинг «Зоҳир ар-Ривоя» да келган китобларга қарашлари даврининг бошқа фақиҳларидан устун саналганлигини эътироф этган бўлса, йирик тарихчи олим Ибн Қутлубғо уни пешқадам қози ва ўз даврининг етук олимларидан

бири сифатида зикр қилган. У ўзининг асарида Фахруддин Қозихонни ҳанафий мазҳабидаги фикрлари саҳиҳ деб ҳисобланган фақиҳлар қаторига қўшади. Камолпошшозода эса мужтаҳидлар таснифи ҳақида фикр билдирар экан, уни фатво беришда мужтаҳид фақиҳлар гуруҳига қўшган. Чунки унинг Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг асарларига ёзган шарҳлари, Абу Ҳанифа ва ҳанафийлик мазҳабининг Абу Юсуф, Имом Зуфар каби имомлари ҳамда бошқа ҳанафий уламоларининг қарашларини зикр этиб, уларни таржиҳ қилганлари алломанинг ижтиҳод аҳлидан эканлигини кўрсатади.

Бурҳон ал-ислом аз-Зарнужий “Таълим ал-мутаъаллим” (“Таълим ва таълим олувчилар”) номли асарида Фахруддин Қозихоннинг “Фикҳ илмини ўрганувчи инсон бирон бир мўътабар фикҳий асарни ёд олиши лозим. Ана шундан кейингина унга фикҳга оид ҳар қандай эшитган нарсасини билиши осон бўлади” деган фикрини келтирган .

Шайх Маҳмуд Адҳам кўп такрорланадиган масалаларга оид фатволарни “Фатово Қозихон” (“Қозихон фатволари”)дан териб, алоҳида китоб ҳолига келтирган. Мусанниф бу китобни муайян бир ном билан атамаганлиги боис, у бир нусхасининг муқовасида “Мухтасар Қозихон” (“Қозихон қисқартмаси”), бошқасида эса, “Мунтахаб ал-фатово ал-хония” (“Танланган хоний фатволар”) шаклида қайд қилинган. Шунингдек, “Кашф аз-зунун” да Қозизода Юсуфнинг “Фатово Қозихон”ни мухтасар шаклга келтирганлигига доир қайд учрайди.

“Шарҳ аз-Зиёdot” (“Қўшимча масалалар шарҳи”) асари Фахруддин Қозихоннинг шогирдларидан Ҳасирийнинг ўқувчиси Сулаймон ибн Абдулазиз ал-Азройй тарафидан “ал-Мунтахаб ас-Сулаймоний” (“Сулаймоний қисқартмаси”) номи билан мухтасар қилинган. Бу мухтасарга Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Садидий аз-Завзаний “Малак ал-ифодот фи шарҳи аз-зиёdot” (“Қўшимча масалалар шарҳи фойдаларига эгалик”)номи билан машҳур шарҳ битгани маълум.

Фахруддин Қозихон илмий меросининг ўзига хос жиҳатлари ва аҳамияти унинг бизгача етиб келган асарлари таҳлили асосида яққол намоён бўлади. “Фатово Қозихон” асари ҳанафий фикҳида машҳурлиги билан алоҳида ўрин тутади.

Олимнинг фикҳий масалаларда фикр билдира олиш ва бу соҳада асарлар ёза олиш салоҳиятига эга бўлган алломалар тоифалари ҳақидаги фикрлари диққатга сазовор. Фикҳ илмида мустақил ҳукм чиқара олиш салоҳиятига эга бўлган алломалар мужтаҳидлар ҳақида турли фикрлар бор. Баъзилар ушбу даражадаги илмга эга бўлган киши ўнта фикҳий саволнинг саккизтасига тўғри жавоб бериб иккитасида хато қилса уни мужтаҳид деб ҳисоблаш мумкин дейдилар. Бошқалари эса мужтаҳид даражасига эришиш учун олим

“Мабсут”ни ёд олган бўлиши, носих ва мансух, муҳкам ва муаввал оятларни, ҳамда одамларнинг урф одатларини билиши талаб этилади дейдилар.

Фахруддин Қозихоннинг фикрича, фикҳий масала «Зоҳир ар-ривоя» асарларида келмаган бўлса-ю, лекин мазҳабимиз уламолари усулларига мувофиқ келса, бундай масалани олинади. Агар мазкур масала бўйича мазҳаб уламоларидан ҳам ривоят келмаган бўлса, у масала бўйича мутааххир уламолар келишган ҳукмга риоя қилинади. Мабодо мутааххир уламоларнинг ҳам яқдил қарорлари бўлмаса, унда аллома ўзи ижтиҳод қилиб ўзи тўғри деб ҳисоблаган фатвони чиқаради. Бу масаланинг яна бир жиҳати бор. Агар фатво берувчи ижтиҳод аҳлидан бўлмай тақлид аҳлидан бўлса, унда ўзидан билимлироқ зотнинг сўзларини олиб унга ўзининг жавобини ҳам қўшади. Бу масала бўйича билимлироқ одам бошқа юртда бўлса, унга мактуб орқали мурожаат қилиб ўз жавобини тасдиқлатиб олади. Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиб ва ёки аксини қилиб унинг динига тухмат қилиш даражасига бормайди. Аллома бу асарида Ироқ ва Мовароуннаҳр фақиҳлари чиқарган фатволарни қиёсий ўрганган.

“Фатово Қозихон” асари таркибий тузилиши жиҳатидан 44 китоб, 64 боб ва 267 фаслдан ташкил топган. Асарда энг кўп боб ва фаслларга бўлинган мавзулар “Олди-сотди китоби” – 10 боб, 23 фасл, “Таҳорат китоби”-2 боб, 20 фасл, “Қасам китоби” 1 боб, 23 фасл “Намоз китоби” – 8 боб, 8 фасл, “Сияр китоби”- 8 боб, 9 фасл, Талоқ китоби“ - 6 боб, 12 фасл, “Даъво ва исботлар китоби”- 5 боб, 11 фасл, “Вақф китоби – 2 боб, 14 фасл, “Сулҳ китоби” 4 боб, 7 фасл, “Никоҳ китоби” – 5 боб, 6 фасл, “Жиноятлар китоби” – 4боб,7 фасл, бўлгани ҳолда, “Маъзунлар китоби”, “Топиб олинган нарса ҳақидаги китоб” ва “Муомала китоби” мавзулари боб ва фаслларга бўлинмаган.

Мавзуларни асарнинг асосий манбалари оят ва ҳадислар билан асосланишида “Намоз китоби” –(Оят-11, Ҳадис -7), “Рўза китоби” – (Оят-2, Ҳадис-9), “Никоҳ китоби” – (1 оят, 20 ҳадис), Ҳаж китоби (11 ҳадис) каби бўлимлар олдинда эканлигини кўрамиз.

Асар таркибий қисмининг таҳлили шуни кўрсатадики ижтимоий масалаларга бағишланган (“Олди-сотди китоби”, “Қасам китоби”, “Вақф китоби”, “Таҳорат китоби”,) китоблар кўпроқ боб ва фаслларга бўлинган. Бизнинг назаримизда мазкур мавзуларнинг энг нозик ва муҳим жиҳатларини батафсил ёритишга бўлган интилиш шуни тақозо қилган.

Асарда ислом динининг асосий манбалари ҳисобланган оят ва ҳадислар билан асосланган мавзулар ибодат масалаларига (“Намоз китоби”, “Рўза китоби”, Ҳаж китоби) бағишланган қисмида устуворлиги ҳам бежизга эмас. Зеро, мазкур ибодатларни адо этиш юқори даражадаги аниқликни талаб этиши сир эмас. Бу ўринда ижтимоий мавзуга

бағишланган “Никоҳ китоби” даги масалаларнинг ҳам кўп сонли ҳадислар билан асосланганлиги мусулмон жамиятида оила ва никоҳ масаласига катта масъулият билан ёндошиш талаби билан изоҳланади.

Тарихий шахслардан манба сифатида биринчи навбатда саҳобалар Абу Бакр ас-Сиддиқ, Али ибн Абу Толиб, Амр ибн ал-Ос, Анас ибн Молик, Ибн Аббос, Умар ибн ал-Хаттоб, Ойшаларнинг фикрлари келтирилган. Мазҳаб мужтаҳидларидан Абу Ҳанифа, Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеъий Абу Юсуф, Муҳаммад аш-Шайбоний, Зуфарлар билан бир қаторда, Мовароуннаҳр ва Хуросон алломаларидан Абу Ҳафс ал-Кабир, Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ал-Кабир, Абу Али ан-Насафий, Абу Мансур ал-Мотрудий, Шамсулаимма ал-Ҳалвоний, Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний, Мажд ал-аимма ал-Бухорий, Абу Бакр ибн ат-Тархон, фақиҳ Абу Лайс ас-Самарқандий, Абу Али ас-Суғдий, Абу Исмаил Саид ибн Муоз ал-Марвазий, Абу Наср ад-Дабусий, Захируддин ал-Марғиноний, Шамсулаимма ал-Ҳалвоний каби юздан ортиқ мусулмон дунёсида таниқли шахсларнинг фикрларидан фойдаланилган.

“Фатово Қозихон”ни асарининг манбаларини “аз-Зиядат” , “ан-Навозил” , “ал-Мунтақо” , “ал-Воқеот” , “ал-Жомеъ ас-Сағир” , “Шарҳ ат-Таҳовий” , “ал-Мабсут” , “ал-Уйун” каби ўттиздан ортиқ китоблар ташкил қилади.

Ислом тарихида муҳим ўрин тутган шахсларнинг фикрлари асар манбаларининг муҳим қисмини ташкил этгани, асарда келтирилган маълумот ва далилларнинг ишончлилигини таъминлашга хизмат қилган бўлса, ўнлаб машҳур асарларга мурожаат қилингани эса унинг манбавий асосини янада кучайтирган деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда шрта асрларда яратилган фикҳий асарлар манбаларини чуқур ўрганиш бир томондан мазкур асарларнинг ислом дини ва минтақамиз тарихини ёритишдаги аҳамиятини англаб етишга хизмат қилса, иккинчи томондан ўша даврдаги илмий-маданий муҳит ва алломалар илмий меросининг номаълум жиҳатларини янада мукамалроқ ўрганишга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу-л-Ҳасанот Муҳаммад Абдулхай ал-Лакнавий. Ал-Фаваид ал-бахийя фи тарожим ал-ҳанафия. – Қозон. 1903. – Б. 78.
2. Бурҳон ал-ислом аз-Зарнужий. Таълим ал-мутаъаллим тарик ат-таъаллум. – Хартум. Судан: “Дар ас-Судания ли-л-кутуб”. 2004. – Б. 61.
3. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. «Катоиб аълум ал-ахёр мин фуқаҳо мазҳаб ан-Нуъмон ал-Мухтор”. ЎЗР ФА ШИ кўлёзмалар хазинаси. Инв№2929. – Б.210б.

4. Фахруддин ибн ал-Ҳасан ибн Мансур Қозихон ал-Ўзгандий. Фатово Қозихон. – Байрут. Ливан. “Дар ал-кутуб ал-илмийя” н-ти. 2009. 1-3-жилд. – 1888б.
5. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. «Катоиб аълом ал-ахёр мин фуқаҳо мазҳаб ан-Нуъмон ал-Мухтор». Нашрга тайёрловчи Абдуллатиф ибн Абдурраҳмон. – Байрут: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти. 2019. 2-жилд. – Б. 3.